



Тошкент Оқшоми

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 39 (11.100)

Баҳоси эркин нархда

ПОЙТАХТНИНГ Бир кунни

Янгиликлар, воқеалар

Касқа сатрларда

● **БЕКТЕМИР** туман ҳокимлигида туман фаоллари ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Азамат Зиё иштирокида уюштирилган учрашувда мамлакатимизни иқтисодий-ижтимоий ривожлантиришда қонунчиликнинг моҳияти ва қонун устуворлигини таъминлаш борасида фикр алмашилди.

● **СЕРГЕЛИ** туманидаги «Ёшлик» маҳалласида маҳалла фаоллари ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари иштирокида уюштирилган тадбир Ёшлар йилига бағишланди.

● **МАҲАЛЛИЙ** хом ашёдан уй-жой ажоллари ишлаб чиқаришга ихтисослашган Шайхонтоҳур туманидаги «Милей» корхонасида иш сифатини янада яхшилаш мақсадида замонавий технологиялар келтирилди.

● **ЁШЛАР** йилига бағишлаб Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ҳамда Республика Мудофаа вазирлиги ҳамкорликларида «Ёш ҳарбий оила» лойиҳасини доирасида «Энг намунали ҳарбий оила» кўрик-танлови ташкил этилди.

● **КЕЧА** Тошкент Ислам университетида талабалар, ўқитувчилар иштирокида Ёшлар йилига бағишлаб ўтказилган тадбир «Ёшлар камолотида маънавий мероснинг аҳамияти» деб номланди.

● **ЎТГАН** кунни ҳамза туманидаги «Тенгдош» маданият уйи спорт залида «Маҳалла» жағмараси, «Камолот» ЁИҲ туман бўлими хамкорликларида Усмон Юсупов маҳалласининг ўсмир ёшлари ўртасида қўл жанги бўйича уюштирилган мусобақалар Ёшлар йилига бағишланди.

● **КЕЧА** Тасвирий санъат галереясида Тошкент Гёте институти хамкорлигида ташкил этилган фотосуратлар кўргазмаси «Баухаус» деб номланди.

● **ИНТЕРКОНТИНЕНТАЛ** мекмонхонасида Осиё футбол конфедерациясининг «Осиёга назар» лойиҳасининг аҳамиятига бағишлаб ўтказилган тадбирда футбол мутасаддилари ва мутахассислари иштирок этишди.

● **ЁШЛИК** талабалар шаҳарчаси «Маънавият ва маърифат» марказида фаол талаба-ёшлар иштирокида «Ахлоқ ва маданият: миллий ва оммавий маданият тўқнашуви» мавзусида давра суҳбати уюштирилди.

● **МИРЗО** Улўбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети талабалари, ўқитувчилар иштирокида давра суҳбати «Соғлом турмуш тарзини яратишда психологининг ўрни» деб номланди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Аxbорот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).



«Ташаббус — 2008»



САЪЙ-ҲАРАКАТЛАР КЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНМОҚДА

ҚИЗГИН ПАЛЛАГА КИРГАН «ТАШАББУС — 2008» КЎРИК-ТАНЛОВИ ШАЙХОНТОҲУР ТУМАНИДА ҲАМ БЎЛИБ ЎТДИ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ СОВРИНИ УЧУН ЎТКАЗИЛАДИГАН МАЗКУР КЎРИК-ТАНЛОВНИНГ ЙИЛДАН ЙИЛГА НУФУЗИ ОРТИБ, УНДА ИШТИРОК ЭТИШНИ, МАҲОРАТ ВА ИЗЛАНИШЛАРИНИ НАМОЁН ҚИЛИШНИ ХОҲЛАЁТГАНЛАР САФИ СЕЗИЛАРЛИ КЕНГАЙИБ БОРАЁТГАНИ, ШУБҲАСИЗ, ЮРТИМИЗДА ТАДБИРКОР ВА ҲУНАРМАНДЛАРГА ЯРАТИЛГАН ИМКОНИАТЛАР НАТИЖАСИ ҚУСОБЛАНДИ.

Тўхталдик... Бундан ташқари, катнашчилар кўпчилигининг замонавий, юксак самарали технологиялардан ўрнида фойдаланишга эътиборга лойиқ.

Хусусан, «Salimaxon-shevat» хусусий корхонасининг бир-биридан гўзал дизайндаги сахна либослари, «Баркамол-сервис-Барака» масъулияти чекланган жамияти ҳамда «BON-SPAR» хусусий корхоналарининг цехлари ҳорижий линиялар билан жиҳозланганлиги туфайли ишлаб чиқарилаётган эшик-роғлар ҳамда мебель жиҳозларининг сифати юқорилиги билан ажралоли турши қувонарлидир. «Туззорон», «Поёндоз-плюс» масъулияти чекланган жамиятларининг харидорлар нон ҳамда қандолатчилик маҳсулотлари кўргазмани томоша қилган ҳайъат аъзолари ҳамда ташриф буюрганларни мамнун қилди. Ҳунармандларнинг ижодий ишлари халқаро кўрик, ярмаркаларда миллий амалий санъатимизни жаҳонга танитаётгани бежиз эмаслигига яна бир бор амин бўлдик.

Кўрик-танлов шартларида кўра катнашчилар бор маҳоратларини намойиш этишди. Бажарилган ишларни ҳисобга баҳолаш эса танлов ҳайъат аъзоларига осон кечмади. Иштирокчилар тайёрлаган кўргазмалар, фаолиятлари тақдими ва тест саволларига жавоблар, айниқса, кизикари бўлди. «Ташаббус-нинг рағбатлари

эса иштирокчиларнинг меҳнати, маҳсулотлари ҳамда ўзларини элга танитмоқда. Уларни янгилик яратиш, ғайрат-шижоат кўрсатишга ундамоқда.

Танлов сўнгида «Энг яхши тадбиркор» номинацияси бўйича 1-ўрин «Баркамол-сервис-Барака» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Оксана Чесноковага, 2-ўрин «Salimaxon-shevat» хусусий корхонаси директори Салима Қодировага ҳамда 3-ўрин «BON-SPAR» хусусий корхонаси раҳбари Зокир Бувамухамедовларга насиб қилгани эълон қилинди.

«Энг яхши ҳунарманд» йўналишида ғолибликни миниматорчи расом Хасан Исоқжонов қўлга киритди. Ранг-тасвирчи расом Файзуллоҳон Аҳматалиев 2-ўрин ҳамда миниматорчи расом Мирфаёз Абдулаттоҳов 3-ўрин соҳиблари бўлишди. Жумладан, «Энг ёш тадбиркор» номинацияси совриндорлари ҳам аниқланди. Ғолибларга диплом ва қимматбаҳо совғалар топширилиб, барча иштирокчилар рағбатлантирилди. Номинациялар бўйича 1-ўрин соҳиблари «Ташаббус — 2008»нинг шаҳар босқичида беллашиш ҳуқуқини ҳам қўлга киритишди.

Мухаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА
СУРАТЛАРДА: кўрик-танловдан лавҳалар.
Наталья Семёнова олган суратлар

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ 2007 ЙИЛДА МАМЛАКАТНИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАШТИРИШ ЯКУНЛАРИ ВА 2008 ЙИЛДА ИҚТИСОДИЙ ИСЛОХОТЛАРНИ ЧЎҚУРЛАШТИРИШНИНГ ЭНГ МУҲИМ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ МАЖЛИСИДАГИ МАЪРУЗАСИДА ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИНИ ЯНАДА ЮКСАЛТИРИШ, УЛАРНИ МИЛЛИЙ АНЪАНАЛАРИМИЗГА ЁТ ВА ТУРЛИ ЗАРАРЛИ ҒОЯЛАР ТАЪСИРИДАН ҲИМОЯЛАШ БОРАСИДАГИ ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАРГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛДИ.

Давлатимиз раҳбари маърузасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш юзасидан Республика Маънавият тарғибот маркази, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази, Республика «Маҳалла» хайрия жағмараси, «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси, Ўзбекистон ёшларининг «Камолот» ижтимоий ҳаракати маркази кенгаши, Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ва бошқа бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган «Энг фаол маънавият тарғиботчиси» республика кўрик-танловида айнан шу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилди.

Маънавий-маърифий соҳаларда ислохотларни изчил олиб бориш, фуқароларимиз, айниқса, ёшлар қалбига миллий тафаккур ва соғлом дунёқараш асосларини мустаҳкамлашга доир ишлар ўз самарасини бермоқда. Президентимизнинг 2006 йил 25 августда қабул қилинган миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарасини оширишга оид қарори бу борада муҳим ҳуқуқий ри фаоллари, олимлар, сиёсатшунослар, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалари бўйича маслаҳатчилар иштирокида мунтазам ўтказиб келинаётган давра суҳбатлари, анжуманлар, учрашувлар, мулоқотлар шулар жумласидандир.

Илк бор ташкил этилган «Энг фаол маънавият тарғиботчиси» республика кўрик-танлови Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги илғор иш тажрибасига эга, моҳир маънавият тарғиботчиларини аниқлаш, ибратли фаолиятини тарғиб ва ташвиқ этиш, қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш имконини берди.

Танловда биринчи ўринга Самарқанд вилояти педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва мала-

касини ошириш институтининг проректори Комил Ҳайдаров, Наманган вилоятидаги Чортоқ тиббиёт коллежи директорининг ўринбосари Мавлуда Мамажонова, Тошкент вилояти Янгиёул технология касб-хўнар коллежи директорининг ўринбосари Соли Бойматов лойиқ топилди.

Иккинчи ўринга Республика Маънавият тарғибот маркази Жиззах вилоят бўлими раҳбари Урол Носиров, Навоий вилояти Кармана туманидаги 4-мактаб ўқитувчиси Наргиза Кенжаева, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети кафедра мудири Матлуба Каххорова сазовор бўлди. Қорақалпоғистон Республикаси Чимбой туманидаги педагогика коллежи ўқитувчиси Тамара Полвонниёзова, Андижон вилояти Хўжабод шаҳри ҳокимлиги бош мутахассиси Ойтожихон Ҳожимуродова, Қарши қишлоқ хўжалиги коллежи директорининг ўринбосари Замира Маманазаровага эса учинчи ўрин насиб этди. Танлов ғолибларига диплом ва совринлар топширилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.Қосимов сўзга чиқди.

Назокат УСМОНОВА,
Ўза мухбири

ИҚТИСОДИЁТНИ СОҒЛОМЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ 2007 ЙИЛДА МАМЛАКАТНИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАШТИРИШ ЯКУНЛАРИ ВА 2008 ЙИЛДА ИҚТИСОДИЙ ИСЛОХОТЛАРНИ ЧЎҚУРЛАШТИРИШНИНГ ЭНГ МУҲИМ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ МАЖЛИСИДАГИ МАЪРУЗАСИДА ХУСУСИЙЛАШТИРИШ МАСАЛАСИГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛДИ.

Давлат объектларини хусусийлаштиришда тадбиркор мулкдорларни жалб этиш, корхоналарни ҳақиқий эгасига, хусусийлаштирилган корхонани модернизация қилиш, техник ва технология қайта жиҳозлаш, жаҳон бозорига рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этишга қодир менежерларга топшириш энг асосий тамойиллардан эканлиги алоҳида қайд этилди.

Талаб даражасида фаолият юритмаётган иқтисодий ноҳор корхоналарга нисбатан банкротлик тамойилининг қўлланилаётгани уларни инқироздан чиқаришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

(Давоми 2-бетда).

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг жойлардаги учрашувлари давом этмоқда. Депутатлар ва сайловчилар ўртасидаги ўзига хос кўприк вазифасини ўтовчи бундай юзма-юз мулоқотлар Наманган, Сурхондарё ва Фарғона вилоятларида бўлиб ўтди.

● «Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг» Навоий вилояти филиали ўтган йили фермерларга 3 миллиард 236,5 миллион сўмга 234 та қишлоқ хўжалик техникаларини етказиб берди. Ташкилот бу йил ҳам 214 та ҳар хил русумдаги қишлоқ хўжалик машиналарини лизингга бериш учун мижозлар билан шартномалар тузди.

● Сирдарё туманида навбатдаги бўш иш ўринлари ярмаркаси бўлиб ўтди. Ярмаркада тумандаги 30 га яқин корхона ва муассаса бўш иш ўринларини таклиф этиб, шу кунга 20 га яқин йигит-қиз ишли бўлди.

● Самарқанд шаҳрида фермерларнинг экологик ва иқтисодий билимларини ошириш мавзусида семинар-тренинг бўлиб ўтди. Унда туманлар фермер уюшмалари ва йирик фермер хўжаликлари раҳбарлари иштирок этди.

● Акциядорлик-тижорат «Микрокредит-банк»нинг Андижондаги ҳудудий бўлими касб-хўнар коллежлари битирувчилари хоҳиш-истагига кўра, яқка тартибда тадбиркорлик билан шуғулланувчиларга зарур микдорда сармоялар ажратиш ташаббуси билан чиқди. Молия муассасасининг бу ҳаракати вилоят ҳокимлиги томонидан қўллаб-қувватланди.

● «Камолот» ЁИҲ Жиззах тумани кенгаши бўлими Ўқувчи-ёшлар илмий-ижодий маркази билан ҳамкорликда «Мумтоз наволар — 2008» номида кўрик-танлови ўтказди. Унда умумий ўрта таълим мактаблари ва ўрта махсус касб-хўнар коллежи ўқувчилари катнашди.

● «Навоий автотеххизмат» ОАЖ йўловчиларга қулайлик яратиш мақсадида Самарқанддаги автомобиль заводидан 10 та автобус харид қилди. Бу кўркам автобуслар Навоий шаҳри ва унинг атрофидаги аҳолиси зич ҳудудларда қатнаб, йўловчиларнинг узогини яқин қилмоқда.

● Булунғур туманида вилоят хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан «Аёл ва спорт» мавзусида ўқув-семинар ўтказилди.

● Фарғона Давлат университетида Халқаро хотин-қизлар кўни олдидан «Ҳаётга тайёрмисан, кизгина?» мавзусида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

● Бухоро вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси томонидан қишлоқ врачлик пунктлари, жойлардаги поликлиникаларда фаолият кўрсатаётган оила ҳамширалари учун семинар-тренинг ташкил этилди.

ЖАҲОНДА

● 7 март кун Россия Федерацияси Марказий сайлов комиссияси 2 мартда ўтказилган президент сайловларининг якуини чиқариши маълум қилинди.

● Бир кунлик ташриф билан Токиога келган АКШ давлат котиби Кондолиза Райс икки давлатнинг Хитой билан алоқалари ва Японияда ижарада яшовчи АКШ ҳарбийлари масаласини муҳокама қилди.

● Кеца Севастополда Украинанинг НАТОга киришига қарши норозилик намойиши бўлиб ўтди.

● Кеца Санкт-Петербургда Мариинск театрининг 225 йиллиги муносабати билан катта гала-концерт ташкил этилди. Тадбирда катнашган Россия Федерацияси Президенти В.Путин театрининг бир гуруҳ етакчи актёрларига давлат мукофотларини топширди.

● Ўзининг газ учун 400 миллион доллардан ортиқ қарзларини «Нафтогаз Украины» компанияси Россияга ўтказганлигини Украина Президенти В.Ющенко ҳам тасдиқлади.

● Шимолий Кореяда бир неча кун давомида ушлаб турилган «Лидия Демеш» теплоходи кеца Владивостокка етиб келди.

● Чехия аҳолисининг учдан икки қисми бунга кескин қарши бўлса-да, Прага ва Вашингтон ракетага қарши мудофаа тизимини Чехияга ўрнатиш юзасидан ўзаро келишиб олди.

● Покистон собиқ бош вазири Беназир Бхуттонинг ўлимининг ташкиллаштиришда гуноҳ қилинган Кари Сайфулла Ахтар Лахор шаҳрида ҳибсага олинди. У Қарақачида бомба портлашига алоқадорликда айбланмоқда. Айтиш керакки, ўшанда 140 киши ҳалок бўлган, Бхутто эса тирик қолганди.

● Кеца Англиянинг марказий қисмида сўнги тўрт аср давомида кузатилмаган кучли зилзила рўй берди. Британия геологик хизмати тарқатган маълумотларга қараганда зилзиланин кучи Рихтер шкаласи бўйича 5,3 баллини ташкил этган. Ҳозирча зилзила оқибатида бир кишининг жиддий жароҳатлангани маълум бўлди, ер силкинishi туфайли бир неча туялар вайронга айланди.

● Шу кунларда Россиянинг Сочи шаҳрида «Sochi OlympicSTAR» фестивали бўлиб ўтмоқда. Уни ўтказишдан мақсад болалар ижодий ва уларнинг маданий савиясини юксалтиришдир. Танловда дунёнинг 13 мамлакатидан иштирокчи болалар катнашмоқда. 29 февралга қадар давом этадиган мазкур танлов ғолибига махсус мукофот — Халқаро Венеция фестивалида ўз мамлакатини номидан иштирок этиш имконияти берилди.

2007 ЙИЛИ «ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТИ ВА САЊЪАТИ ФОРУМИ» ЖАМҒАРМАСИ ЛОЙИХАЛАРИ ДОИРАСИДАГИ ТАНЛОВЛАРДА ҚАТНАШАНЛАР СЕНИ 60 МИНГДАН ЗИЁД ИШТИРОКЧИГА ЕТДИ. ИЖТИМОЙ КЎМАК РАМЗИ ОСТИДА ЎТГАН ЙИЛ ЖАМҒАРМАНИНГ ЯНГИ ЛОЙИХАЛАРГА АСОС СОЛИШИГА ТЎРТКИ БЎЛДИ ВА ЖУДА САМАРАЛИ КЕЧДИ, ДЕСАК ЯНГИЛИШМАЙМИЗ. ИҚТИДОРЛИ ЁШ СПОРТЧИЛАР, МАКТАБ ВА ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИ ПЕДАГОГЛАРИ УЧУН ГРАНТЛАР ШУЛАР ЖУМЛАСИДАНДИР. ТАЪКИДЛАШ ЖОИЗКИ, ДАСТЛАБ ЖАМҒАРМА ФАҚАТ САЊЪАТ СОҶАСИДАГИ ЛОЙИХАЛАР БИЛАН ШУГУЛЛАНГАН БЎЛСА, 2005 ЙИЛИ ИҚТИСОДИЙ СОҶАСИНИ («ИҚТИСОДИЙ МУЛОҚОТ» БИЗНЕС-ФОРУМИ) ҚАМРАБ ОЛГАН ВА ИСТЕЪДОДЛИ ЁШЛАРНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВАТЛАШГА («КЕЛАЖАК ОВОЗИ» ТАНЛОВИ) ЙўНАЛТИРИЛГАН ЛОЙИХАЛАР ЖАМҒАРМА ТАРИХИДА ЯНГИ САҶИФАЛАРНИ ОЧИБ БЕРДИ.

Шу ўринда табиий савол туғилади: хўш, Форум Жамғармасининг ўзи қандай ташкилот? Авваламбор, бу — инсонлар, уларнинг ажойиб ғоялари ва ушбу ғояларнинг амалга оширилиши кўриш истагиндир. Бир томондан, улар ўз кўчларини навбатдаги лойиҳа устида бирлаштириб, уни ўз мулоҳазалари ва фикрлари билан боғишувчи маданият ва саъят, фан ва спорт соҳасининг кўзга кўринган арбоблари бўлса, иккинчи томондан, бу — шижоатли ҳамда ишга чанқок, ёш ва ўз ишига берилган инсонлар жамоасидан иборат. Улар учун ҳар бир лойиҳа сеvimли фарзанд бўлгани боис, унинг натижалари ҳам азиз ва бебаҳодир.

Ва ниҳоят, улар — Жамғарма лойиҳаларидан бирида қатнашиб, ташкилот ичидидаги қизиқарли ва турли тадбирларга бой таассуротлар остида Жамғармада, аниқроғи унинг ёшлар қанотида қолишга қарор қилган йигит-қизлардир.

Буларнинг бари бамисли Жамғарма ўша ҳосилдор тупроқ эканидан, унга тушган уруғ, албатта униб чиқиб, мева беришидан далolat беради. Унинг фаолиятига ғоялар ва лойиҳаларга жон бағишловчи, нафақат дастурлар ва танловларни, балки янги муассасаларни ҳам яратишга ўзида куч топа олган инсонлар ўз хиссасини қўшмоқда. Фақат биргина ўтган 2007 йилдаги жамғарма фаолиятига назар ташласак, бунинг гувоҳи бўламиз.

Доимо янги йўналишларни, фойдали ғояларни ҳаётга татиқ этиш жамғарма фаолиятини тавсифлайдиган яна бир хусусиятидир. Жумладан, 2007 йилдан бошлаб Жамғарма ёш иқтидорли спортчилар, мактаб ва олий ўқув юртлири ўқитувчилари ҳамда илмий изланиш олиб бораётган педагоглар учун янги грант дастурларини таъсис этди. Апрель ойида Жамғарма томонидан «Чемпионлар форуми» номи махсус ҳисоб очилди ва дастлабки грантлар Форум жамғармасининг спорт мажмуасида топширилди. Бундан ташқари йил давомида Жамғарма томонидан учта йирик тадбир ўтказилиб, улар доирасида ёш спортчилар турли спорт турлари бўйича машҳур жаҳон чемпио­нлари қўлидан грант олишдек бахтга муассар бўлишди. Йил давомида ҳаммаси бўлиб ёш спортчилар учун 129 та спорт гранти ажратилди. Бундан ташқари, яқин кунларда «Чемпионлар форуми» деб номланувчи замонавий спорт мажмуасининг очилиши режалаштирилган. Бу ерда етакчи спорт усталари ёш спортчилар билан курашининг турли кўри­нишлари бўйича мақсадли равишда шуғулланишди.

Педагогик грантлар дастури мамлакатимиздаги мактаб ва олий ўқув юртлири ўқитувчиларини қўллаб-қувватлаш мақсадида таъсис этилган бўлиб, 2007 йили республика миқёсида кенг қамровли равишда ўтказилди. Дастур якунига кўра ғолибларга илмий фаолиятларини янада ривожлантиришлари учун грантлар ҳам бир марта таълиқ, ҳам ҳар ойда маошга қўшиб бериладиган маблағлар кўринишида топширилди.

Форум Жамғармаси томонидан «Дом стилия» ва «Осиё рамизи» Ўзбекистон моделерлар уюшмаси билан ҳамкорликда ўтган йили ташкил этилган «Style.uz — мода ва дизайн ҳафталиги» доирасида Ўзбекистон, Франция, Япония, Россиянинг етакчи моделерлари иштирокида дефиле­лар, кенг миқёсли мода ва дизайн кўргазмаси, Миллий либослар фестивали, жаҳонга машҳур дизайнерлар, сураткаш ва услубчилардан мастер-класслар ҳамда турли намойишлар ва кечалар бўлиб ўтди.

«Smalto», «Feraud», «Ines de la Fressange» каби Парижнинг нуфузли мода уйлари, Париждаги «Paul Poiret» мода лицейи, таникли дизайнерлар John Ribbe, Pascal Morabito (Франция), Ritsuko Shirahama, Toshikazu Iwaya

(Япония), моделерлар Вячеслав Зайцев, Маша Цигаль ва машҳурликда улардан қолишмайдиган David va Katie Guetta, жаҳоннинг учта энг машҳур сураткаши қаторига кирувчи Andre Rau, «Fashion-TV» каналининг вице-президенти Jean-Pier Partouche, DJ Ignas KD S ва бошқалар Хафталик меҳмони бўлишди. Бундан сал олдинроқ, 2007 йилнинг март ойида Форум жамғармасининг Париждаги ваколатхонаси очилиши маросими доирасида ўтказилган шоу-дастурда Ўзбекистонлик етакчи дизайнерлар моделерларининг дефилеси «Carousselle du Louvre» да бўлиб ўтганди. Бундан ташқари, ўтган йили «Болажонлар-ширинтолар» тўртинчи Республика бола-

«ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТИ ВА САЊЪАТИ ФОРУМИ» ЖАМҒАРМАСИ: ФАОЛИЯТ САМАРАСИ ОШМОҚДА



лар либослари фестивали ҳам ўтказилиб, унда миллий ўйинчоқлар кўргазмаси ташкил этилди.

Ўтган йили Жамғарма илк бор кенг жамоатчиликка «Они» креатив ёш фотосуратчилик гуруҳини тақдим этди. Ушбу гуруҳ ишларининг дастлабки кўргазмаси Жамғарма томонидан 2007 йили Тошкентда очилган «Азия» галереясида ташкил этилди.

Кино премьералари орасида эса «Анора», «Кечир», «Бойвачча» фильмларини санаб ўтиш мумкин. 2006 йили Жамғарма кўмағида суратга олинган режиссёр Рустам Саъдиевнинг «Келгинди келин» фильми Ялтада ўтказилган «Вместе» VIII Халқаро телекинофорумида тақдим этилди. Бундан ташқари, Японияда Жамғарма кўмағида «Ўзбек киноси кунлари» фестивали ташкил этилиб, унда сўнги йилларда суратга олинган ва ўзбек киносининг «Олтин фонди» да сақланаётган энг яхши фильмлар намойиш этилди. Шунингдек, 2007 йили республиканинг энг яхши ижроичилари, актёрлари, музикачилари, режиссёрлари, теле ва радиобошловчилари 2006 йили Форум Жамғармаси томонидан таъсис этилган M&TV – Музика, телевидение ва кўнгилчорлар саъят соҳасидаги миллий мукофот билан таъдиланди.

Жамғарма лойиҳаларининг «Ижтимоий ҳимоя йили» билан ҳамоханг бўлгани ҳам эътиборга лойиқдир. Форум Жамғармаси йил давомида «Меҳр нури» жамғармаси, «Аёллар кенгаши» жамоат ташкилоти ва Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси билан ҳамкорликда болажонлар, кам таъминланган оилалар учун турли тадбирларни, кексаларга бағишланган байрамларни ўтказди, мактаблар, мадрасалар, мактабгача таълим муассасалари, туғруқхоналар, поликлиникалар, тиббиёт марказлари ҳамда бошқа ўқув ва ижтимоий муассасаларни таъмирлаш ва жиҳозлашга ёрдам берди. Мамлакат бўйлаб маҳаллардан ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар учун анъанавий ош бериш ва совғалар тарқатиш каби хайрия акциялари ташкил этилди. Тошкентда Наврўз байрами, Болаларни ҳимоя қилиш кўнига бағишланган тадбирлар, «Биз

соғлом ҳаёт тарзини танлаймиз» ёшлар ижтимоий акцияси ўтказилди. Айтиш жоизки, Хотира ва Қадрлаш кўнида фахрийларни табриклаш, Ўқитувчилар ва Мураббийлар кўнида байрам тадбирларини ўтказиш Жамғарма фаолияти доирасида хайрли анъанага айланган. Шунингдек, ўтган йили пойтахт мактабларида Ёшлар ташаббуслари маркази фаоллари иштирокидаги «Баҳорги марафон» деб номланувчи илк тажрибавий акция ҳам бўлиб ўтди. Марафондаги турли танловлар ва вибориналарни ташкил этишда мактаб ўқувчиларининг ўзлари қатнашиб, акция давомида мактабларида ўзлари учун қўшимча қулайликлар яратишга маблағ тўплашди.

Хулоса сифатида шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, 2007 йилда Форум жамғармаси қуйидаги лойиҳаларни амалга оширди, хусусан:

— 18 та янги муассаса ташкил этилди, улар орасида Форум жамғармасининг Париждаги ваколатхонасини, Тошкентдаги Миллий саъят марказини, «Азия» галереясини, «Янги авлод форуми» болалар ижодиёти марказини, «Келажақ овози» ЕТМнинг ресурс марказини, «Келажақ овози» ЕТМнинг вилоятлардаги бўлимларини кўрсатиб ўтиш мумкин;

— Ўзбекистоннинг турли шаҳарларида 46 та ёшлар акцияси ўтказилди. «Келажақ овози» Республика ёшлар танлови доирасида ўтказилган тадбирлар шулар қаторига кирди;

— болалар ижодиётини қўллаб-қувватлаш соҳасида 17 та тадбир ўтказилди. «Янги авлод» тўртинчи фестивали ҳам шулар жумласида;

— 14 та хайрия ва ижтимоий тадбир ўтказилди, шу жумладан мактаблар, мактабгача таълим муассасалари, поликлиникалар, тиббиёт марказлар капитал таъмирдан чиқарилди;

— «Чемпионлар форуми» лойиҳаси доирасида 7 та спорт тадбири бўлиб ўтди;

— Россия, Франция, Япония, Хитойнинг турли шаҳарларида 15 та халқаро лойиҳа амалга оширилди;

— 14 та кўргазма ўтказилди, Жамғарманинг халқаро маданий лойиҳалари доирасида хорижда ўтказилган кўргазмалар ҳам шулар жум-

ласидан;

— Жамғарманинг маданий ва ижтимоий акциялари доирасида бўлиб ўтган муслик кечалар ва концертлардан ташқари, 10 та катта концерт ташкил этилди;

— 4 та йирик фестиваль ўтказилди: «Янги Авлод» Болалар ижодиёти фестивали, «Болажонлар-ширинтолар» болалар модаси фестивали, Франция, Россия, Япониядан ташриф буюрган таникли дизайнерлар иштирокидаги «Style.uz – мода ва дизайн ҳафталиги» доирасида ўтказилган Миллий либослар фестивали, «Тошкент баҳори» Халқаро опера ва балет саъяти фестивали;

— 4 та премьералар: «Анора», «Кечир», «Бойвачча» фильмлари ва Ўзбекистон Ёшлар театри ва Санкт-Петербургнинг «Балтийский дом» театр фестивали ҳамкорлигида сахналаштирилган «Инъом этилган муҳаббат ҳақида афсона» спектакли премьералари.

2007 йили Жамғарманинг турли лойиҳалари ва дастурлари доирасида умумий қиймати 357.471 миң сўмлик 720 та грант ажратилди.

Йил якунида Жамғарма эса қоладиган катта концерт дастурини ташкил этди. Концертда Жамғарма билан йил давомида ҳамкорлик қилган артистлар ҳамда Жамғарма танловларининг совриндорлари ажойиб шоу-дастурни, яъни ҳақиқий «Янги йил кечаси»ни тақдим этишди. Рашид Холиқов, Самандар, Садор Рахимов, Улуғбек Раҳматуллаев, Шахриёр ва бошқалар ижросидаги қўшиқлар кеча меҳмонларининг олқишларига сазовор бўлди. Байрам кечаси давомида Жамғарма йил давомида ўзи билан ҳамкорлик қилган фан ва маданият вакиллари, жамоат арбоблари ҳамда хомийларга ўз мукофотларини топширди. Зотан уларнинг иштирокисида, самимий қизиқиши ва кўмағисиз Жамғарманинг кўпгина лойиҳаларини тасаввур қилиш қийин. Улар — йилдан йилга амалга оширилди келинаётган лойиҳаларидир, улар — энди туғилмаж лойиҳалардир, улар — янги номларни кашф этувчи лойиҳалардир...

Резида РАХИМОВА

ИҚТИСОДИЙНИ СОҶЛОМЛАШТИРИШ ЙўЛИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Чунки ночор хўжалик юритувчи субъектларни инқироздан чиқариш ёки уларнинг истиқболсизларини тугатиб, ўрнига соғлом мулк секторини ташкил этиш айнан банкротлик институти ёрдамида амалга оширилади. Зеро, эркин рақобат муҳитига асосланган замонавий иқтисодиётнинг ўзига хос синовларига ҳамма корхона ҳам бардош бера олмайд.

Пойтахтимизда ушбу мавзуга бағишлаб ўтказилган конференцияда Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси раиси вазифини бажарувчи Б.Улашев, Олий ҳўжалик суди раисининг биринчи ўринбосари Н.Аҳмонов, Ўзбекистон суд бошқарувчилари жамияти раиси Б.Қосимов ва бошқалар мамлакатимизда банкротлик институти имкониятларидан кенг фойдаланилаётгани иқтисодиётни соғломлаштиришда муҳим омил бўлаётганини алоҳида таъкидладилар.

Ушбу жараёнда суд бошқарувчилари фаолияти муҳим аҳамият касб этаётди. 2003 йилда янги таҳрирда қабул қилинган «Банкротлик тўғрисида»ги қонун асосида соҳа вакилларига катта имкониятлар яратилди. Ночор аҳолга тушиб қолган корхоналарга кредиторлар тавсияси ва ҳўжалик судининг қарори билан суд бошқарувчиси тайинланади. У олдинги раҳбарини ишдан четлатиш, зарар келтираётган шартномаларни бекор қилиш билан боғлиқ ҳуқуқларга эга. Ушбу фаолиятни назорат қилиш, тегишли дастурлар тайёрлаш мақсадида мамлакатимизда профессионал бирлашма — Ўзбекистон суд бошқарувчилари жамияти ташкил этилди.

Бугунги кунда ушбу жамиятда фаолият юритаётган суд бошқарувчилари банкротликка учраган корхоналарга инвестициялар киритиш борасида салмоқли натижаларга эришаётди. 2007 йили соҳа вакиллари томонидан тегишли маркетинг тадбирлари ўтказилганлиги туфайли 12 корхона иқтисодий ночорликдан чиқарилди.

Қарзларини тўламаётган, фаолиятини тўхтаётган корхоналарга 80,5 миллиард сўмдан зиёд инвестиция жалб этилди. Уларда 6,9 миң янги иш ўрни ташкил қилинди.

Тадбирда суд бошқарувчилари томонидан амалга оширилаётган бундай хайрли ишлар аниқ мисоллар асосида таҳлил этилди. Шу билан бирга, соҳада амалга оширилиши лозим бўлган вазифаларга эътибор қаратилди.

Н.АБДУРАИМОВА, ЎЗА мухбири

БУЮРТМАЛАР КўПАЙМОҚДА

ТЕЖАМКОРЛИК БАРЧА СОҶАЛАРДА МУҶИМ ОМИЛЛАРДАН ҲИСОБЛАНАДИ. АЙНИҚСА, БЕБАҶО РЕСУРСЛАРИМИЗДАН ҲИСОБЛАНГАН ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИНИ ТЕЖАШ БУГУНГИ КУНДА ГОЯТ ДОЛЗАРБ АҶАМИЯТ КАСБ ЭТАДИ.

Пойтахтимизда 1991 йилдан буён фаолият кўрсатиб келаётган «Автоматлаштирилган электр юритмалари ишлаб чиқариш корхонаси» масъулияти чекланган жамиятида 7 нафар малакали ходим—асосан олимлар меҳнат қилишмоқда. Уларнинг ўз олдига қўйган асл мақсадлари энергияни тежайдиган янги технологияларни ишлаб чиқариш ва уни санoат корхоналарида қўллашдир. Ушбу патентланган ва рақобатбардош қурилмалар энергияни ўртача 30-40 фоиз тежайиш имкониятини яратди.

—Президентимиз 2007 йилдаги Вазирлар Маҳкамаси Мажлисида ҳам энергия ресурсларини тежайиш асло кечиктириб бўлмайдиган вазифа эканлигини алоҳида таъкидлаб, энергия ресурслари, биринчи гада, кўп миқдорда энергия сарф этадиган тармоқлар, кимё, рангли металлургия, электр энергетикаси ва бошқа соҳаларда қаттиқ тежамкорликни таъминлаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш лозимлигини устувор масалалар сифатида айтиб ўтган эдилар, —дейди масъулияти чекланган жамияти раҳбари Орифжон Хошимов. — Корхонамиз аҳли ҳам энергия тежамкорлигига муносиб ҳисса қўшиш йўлида астойдил изланишмоқда. Бугунги кунга келиб энергияни тежовчи қурилмалардан 20 хилдан ортигини ишлаб чиқаришга муваффақ бўлдик. Маҳсулотларимиз— дренаж насослари, вентилятор агрегатлари, компрессор қурилмалари учун мўлжалланган бўлиб, тежамкорлиги, рақобатбардошлиги, юксак самараси билан синовдан ўтган ва республикаимиздаги йирик санoат корхоналари ҳамда иншоотлари асосий буюртмачиларимиз ҳисобланади.

Корхона қурилмаларидан «Бекобод металлургия комбинати», Пскент насos станцияси ва бошқа жамоаларда кенг фойдаланилмоқда ва самараси буюртмачиларни хушнуд этмоқда. Шу боис ҳам йил сайин ана шундай қурилмаларга буюртмалар сони ортмоқда. Шунингдек, усқуналарга Жанубий Корея давлатидан ҳам харидорлар борлиги тадбиркорларни изланишга, янги-янги тежамкор қурилма турларини яратишга ундамоқда.

Жамоа маҳсулотлари ўтган йилда ўтказилган «ЭКОСАН» халқаро кўргазмасида биринчи ўринга сазовор бўлди. Мамлакатимиз ички бозорини ўзларининг тежамкорликда муҳим омил саналган маҳсулотлари билан таъминланаётган масъулияти чекланган жамияти аъзолари келгусида хорижий ҳамкорлар билан ишлашни режалаштиришмоқда.

Нозима АҚРОМОВА

ДОЛЗАРБ МУАММОГА БАҒИШЛАНАДИ

ОРОЛБЎЙИДА ЮЗАГА КЕЛГАН ГЛОБАЛ ЭКОЛОГИК МУАММО НАФАҚАТ МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИ, БАЛКИ ЕР ШАРИНИНГ БОШҚА ҲУДУДЛАРИГА ҲАМ ТАЪСИР КўРСАТМОҚДА. БУ ЭСА ЖАҶОН ЖАМОАТЧИЛИГИНИ ТОБОРА ЖИДДИЙ ТАШВИШГА СОЛМОҚДА. ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ ҚАРИМОВНИНГ 2008 ЙИЛ 18 ФЕВРАЛДАГИ ФАРМОЙИШИГА БИНОАН ТОШКЕНТДА ШУ ЙИЛ 11-12 МАРТ КУНЛАРИ «ОРОЛ МУАММОСИ, УНИНГ АҶОЛИ ГЕНОФОНДИ, ўСИМЛИК ВА ҲАЙВОНОТ ДУНЁСИГА ТАЪСИРИ ОҚБАТЛАРИНИ ЕНГИЛЛАШТИРИШ БОРАСИДА ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК ЧОРАЛАРИ» МАВЗУИДА ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ БЎЛИБ ўТАДИ.

Конференцияда халқаро ва минтақавий ташкилотлар, молия институтлари, экология муаммолари, иқлим ўзгариши ва сув ресурсларини бошқариш масалалари билан шуғулланидиган мамлакатимиз ҳамда хориждаги илмий марказлар вакиллари иштирок этади.

Улар бир қатор долзарб масалаларни, жумладан, Орoл муаммосининг ҳудуд аҳолиси генофонди, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига таъсири, маъзур муаммо билан бевосита боғлиқ бўлган Амударё ва Сирдарё оқими­ни ишончли таъминлаш масалаларини муҳокама этади. Анжуман қатнашчилари экологик ҳалокат оқибатларини енгиллаштириш учун соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш, маҳаллий аҳолининг ичимлик суви ва сугорчи манбаларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, аҳоли бандлик даражасини ошириш, унинг барқарор даромад олишини ташкил этиш, табиий муҳитни ҳимоя қилиш ва Орoлбўйида биохилма-хилликни қайта тиклашга кўмаклашини ўз ичига оладиган чора-тадбирлар мажмуини қўриб чиқади. Муҳокама якуналари бўйича ушбу мақсадларга қаратилган халқаро ҳамкорлик ва кооперация стратегияси ишлаб чиқилади.

Марказий Осиё давлатлари, аввало, Ўзбекистон минтақада экологик вазиятни яхшилаш учун кенг қўламли саъй-ҳаракатларни амалга оширмоқда. Мустақилликка эришилган, бу масала Президент Ислам Қаримов юритаётган сибсатнинг устувор вазифаларидан бирига айланди. Орoлбўйида экологик вазиятни барқарорлаштириш, ҳудудни иқтисодий ривожлантириш, маҳаллий

аҳоли саломатлигини яхшилаш ва уни ижтимоий қўллаб-қувватлашга йўналтирилган қатор йирик, аниқ мақсадли дастурлар ва лойиҳалар амалга оширилаётди. Ўзбекистонда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи қонунчилик базаси яратилган бўлиб, мамлакатимиз бу соҳадаги барча асосий халқаро ҳужжатларга қўшилган.

Сўнги йилларда тадбиркорликни рағбатлантиришга доир қабул қилинган қўшимча чоралар, кичик ва хусусий бизнес, фермерликни ривожлантириш, янги иш ўринларини ташкил этиш бўйича яратилган қулай шарт-шароитлар вазиятни ўнғилашга ёрдам бермоқда. Бу ҳудуд ва унинг иқтисодиётини ривожлантиришга ижобий таъсир кўрсатаётди. Энг замонавий усқуналар билан жиҳозланган коллежлар, лицейлар, мактаблар, давoлаш муассасалари барпо этилмоқда. Магистрал коллекторлар қайта қурилмоқда, ичимлик сув билан таъминлаш тизими барпо этилмоқда ва реконструкция қилинмоқда. Кўнгирот сода заводи ишга туширилди, газ ва нефть қидириш ҳамда қазиб олиш ишлари қўлами тобора кенгаймоқда.

Бироқ, давлатимиз раҳбари бир неча марта таъкидлаганидек, экологик бир неча давлатлар ҳудудидан оқиб ўтадиган Амударё ва Сирдарё сувларидан фойдаланиш муаммоларини, сув нафақат иқтисодий, балки ҳаётий муҳим ресурс ҳисобланган минтақадаги барча давлатларнинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолдагина, биргаликда ҳал этиш мумкин. Орoлни кутқариш халқаро жамғармаси таъсис этилди. Жамғарма таъсисчиларидан бўлган ҳар бир дав-

латда унинг тегишли миллий ташкилоти тузилди. Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган Орoл денгизи хавзаси лойиҳаларини амалга оширишни бошқариш ва GEF (Глобал экологик жамғарма) агентлиги, Орoлни кутқариш халқаро жамғармаси Ижроия қўмитасининг Нукус филиали республика тузилмалари билан ҳамкорликда аниқ мақсадли лойиҳаларни амалга ошириш орқали экологик таназзулни енгиллаштиришга катта ҳисса қўшмоқда.

— Бу лойиҳаларнинг аксарияти Орoл денгизи хавзасига доир комплекс дастур доирасида амалга оширилмоқда, — дейди GEF агентлиги раҳбари Усмон Бўронов. — Ушбу дастур Орoлбўйида экологик ва ижтимоий-иқтисодий вазиятни барқарорлаштириш ҳамда яхшилашда устувор аҳамият касб этади. «Амударё дельтасида маҳаллий сув хавзалари ташкил этиш» ана шундай лойиҳалардан биридир. Ўтказилган тадбирлар натижасида бундай қўлларнинг сатҳи 150 миң гектарни ташкил этди. Бу, ўз навбатида, ҳудудда биологик хилма-хилликни қайта тиклаш, аҳолининг дамбалар ва тармоқли каналлар қурилишида иштирок этиши ҳисобидан иш билан таъминлаш, балкичилик ҳамда чорвачиликни ривожлантириш имконини беради. Бундай сув хавзаларининг шаклланиши туфайли экологик вазият яхшиланимоқда, иқлим мўстайлашмоқда. Бундан ташқари, Орoл денгизининг қуриб қолган қисмига оид қатор лойиҳаларнинг амалга оширилиши ҳам ўз самарасини бераётди. Ушбу тадбир доирасида бу ерда миң гектар ерга маҳаллий ўсимликлар — саксовул, черкез, юлғун, қандим ва ушбу табиий шaroитга мос, қўшимча сув талаб этмайдиган бошқа ўсимликлар экилди. Шу тарика шoмол таъсири остида тупроқ емирилиши қамайди, қўчиши мумкин бўлган қўмлар мустаҳкамланимоқда, заҳи қочган ерларни хўжалик фаолиятида фойдаланиш учун жалб этиш имконияти пайдо бўлмоқда.

Яна бир муҳим йўналиш — «Орoлбўйи аҳолисига экологик таназзул ҳудудида бoзoр шарoитларига мослаштиришга ижтимоий

А.ИВАНОВА, ЎЗА мухбири



МАШРИҚЗАМИН — ХИКМАТ БҮСТОНИ

Саъдий ШЕРОЗИЙ ХИКМАТЛАР

Сотарди асал бир ширин сўз киши,
Кўнгилни оларди унинг ройиши.

Шакар қамишидек бели бөлбоқдор,
Молини пашшадек талар харидор.

Унинг моли заҳар бўлса ҳам тугал,
Талаб кетишарди мисоли асал.

Бир дағал кўз ташлаб эл ғавғосига,
Ҳасад билан боқиб бол савдосига,

Эртасига бараақт бозорга келди,
Асал сотмоқ бўлиб, ҳар ёққа елди.

Каттакон қовоқда бошида асал,
Бадбуруш башара, сўзлари дағал.

«Асал кетди!», дея қилди машмаша,
Болига кўнмади ҳаттоки пашша.

Кечгача бир пуллик қилолмай савдо,
Уйга қайтар яна бузилиб авзо.

Бурчақда ўлтирар сержаҳл, дилтанг,
Ҳайит кун зиндоний бўлгандек тажанг.

Хотини устидан шўх сўзлаб кулар:
«Баджаҳл кўлида асал ҳам заҳар!»

Ёмон хулқ дўзахга судрайди осон,
Яхши хулқ биҳишту жаннатдан нишон.

Ариқда илиқ сув бўлса, шунини ич,
Дағал киши яхна шарбатидан кеч.

Серзарда кишининг манглайи тириш,
Ҳаромдир ундайлар нонини ейиш.

Бадхулқ қийинликка учрар аксари,
Бадхулқнинг доимо бахти тескари.

Дунё ташвишидан кеч Саъдийсифат,
Йигилгай сенда ҳам илм маърифат.

Дағал сўз эшитиб келсанг ҳокимдан,
Тобезларни эзма кўполлик билан.

Ўртанма душманинг ёмонласа гар,
Шамолга бер сўзи ёлгон эса гар.

Менга яхшилиқни истаган инсон,
Очиқ айтар топса хулқимда нуксон.

Табиб ўзи бўлса дардга мубтало,
Нечук қилгай ўзга дардига даво.

ХИКОЯТ

Онасига йнғлар йўлда бўталоқ;
«Шунча юрдик, керак бир оз дам олмоқ».

Онаси дەر: «Жилво бўлсайди қўлда,
Юк билан кўрмасдинг мени бу чўлда».

Мардлинг пеш қилмоқ одат билмагил,
Мардлинг кўрсатиб, номард бўлмагил.

Қаноат қудратли қилур инсонни,
Оғохлантириб қўй очкўз нодонни.

Дилга хотиржамлик сол, эй бесабот,
Гардон тош тағида ўсмас наботот.

Ақл ёр бўлса, кўп семиртма танинг,
Тани семиртирсанг, билки, ўлганинг.

Ақлли кишилар боққани хунар,
Танасин боққанлар хунарсиз қолар.

Одамлик хислатин ким қўйса устун,
Авал ўз нафс итин айлағай забун.

Еб-ичиб, ухламоқ ҳайвоннинг иши,
Шу тарих яшайди ақлсиз киши.

Хилватда ўлтириб боқтиёр одам,
Илмдан хиссасин олур дамодам.

Ким ажрата олмас зулматни нурдан,
Демак, фарқ этмайди у девни хурдан.

Гар кўра олмасанг йўл устинда чоҳ,
Йиқилсанг, қусури ўзингда, э воҳ.

Ким нафс бандаси — эс-хушдан йирок,
Хикматдан бўш қолур ул тўла курсок.

Қорин ва икки кўз — ҳеч тўймас ковак,
Бўш юргани яхши ўрама ичак.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган



АССАЛОМ, ФУТБОЛ БАҲОРИ
НИХОЯТ МУХЛИСЛАР ОРЗИҚИБ КУТГАН КУНЛАР ҲАМ ЕТИБ
КЕЛДИ. ФУТБОЛ БЎЙИЧА МАМЛАКАТ XVII ЧЕМПИОНАТИ
БОШЛАНМОҚДА.



Шуниси қувонарлики, мухлислар олий лиганинг 16 та жамоаси иштирокидаги қизиқарли, муросасиз беллашувларнинг гувоҳига айланишди. Жорий йилги мавсумда олий лигада пойтахтимиз шарафини «Пахтакор», «Курувчи», «Локомотив» жамоалари ҳимоя қилишди. Шахримизнинг яна бир жамоаси «Трактор» эса биринчи лига мусобақаларида иштирок этади. Хўш, мамлакат XVII миллий чемпионатида пойтахт жамоалари қандай тайёргарлик кўришди? Мухлисларни «Пахтакор», «Курувчи», «Локомотив» жамоалари аjoyиб ғалабалари билан хушнуд этишадими? Мавсум оралигида жамоаларда қандай ўзгаришлар юз берди? Биз ана шу саволларга жавоб топиш мақсадида жамоалар вакиллари билан мулоқот қилдик.

МАҚСАДИМИЗ ЧЕМПИОН БЎЛИШ

— Жорий йилги мавсумга тайёргарлиқни «Пахтакор» жамоаси декабрдан бошлади. — дейди клубнинг матбуот котиби Улуғбек Мирзаев. — Янги йилнинг иккинчи кунидан пахтакорчилар БАА яшил майдонларида икки ҳафталик ўқув-йиғин машғулотида иштирок этишди. Кейин Санкт-Петербургда ташкиллаштирилган МДХ ва Болтиқбўйи мамлакатлари чемпионлари кубогида жамоамизнинг финалгача етиб боргани ҳаммага маълум. Озарбойжоннинг «Хазар» жамоаси билан чемпионлик учун кечган ўйинда очиги пахтакорчилардан омад юз ўгирди. Жорий йилнинг 9-20 февралда «Пахтакор» футболчилари Туркияда яна ўқув-йиғин машғулотида иштирок этишди, Россиянинг «Кубань», «Сатурн», Австриянинг «Дустрия» клублари билан ўзaro куч синашди. Эътиборлиси, ушбу учрашувлар Равшан Ҳайдаров шогирдларининг ғалабаси билан аяқланди. Жамоадаги ўзгаришларга тўхталадиган бўлсак Жепаров, Солиев, Копадзе, «Курувчи» сафига қўшилишди. Нигериялик легионер Уче эса Эроннинг «МЕС» клубида омадини синаб кўради. Пахтакорчилар сафига эса «Нефчи»дан Акмал Холматов, Нодир Қўзибоев, Черногориянинг «Зета» клубидан Дарко Маркович, «Самарқанд-Динамо»дан Фарход Тожиев, Садрид-

дин Абдуллаев келиб қўшилгани айна муддао бўлди. Айна кунларда жамоа аъзоларининг кайфияти аъло. Жорий йилда ҳам пахтакорчилар ўз олдидарига мамлакат чемпиони бўлишни, халқаро турнирларда, хусусан Осиё чемпионлар лигасида ғолиб бўлишни ният қилишган.

«ПАХТАКОР»

Бош мураббий — Равшан Ҳайдаров. Мураббийлар — Виктор Жалилов, Анвар Рашидов, Андрей Шепелов, Мурод Исмоилов. Дарвозабонлар — Игнатий Нестеров, Темураев, Элдор Тожиев. Ҳимоячилар — Асror Алиқулов, Александр Клецов, Илхом Суёнов, Ислам Иномов, Камолдин Тожиев, Анзор Исмоилов, Раҳматилла Бердимуродов, Ахрор Риск-уллаев.

Ярим ҳимоячилар — Ринат Байрамов, Элдор Маъдиев, Леонид Кошелев, Садриддин Абдуллаев, Одил Аҳмедов, Дарко Маркович, Нодир Қўзибоев, Акмал Холматов, Станислав Андреев, Владислав Кирьян.

Ҳужумчилар — Александр Гейнрих, Зайниддин Тожиев, Фарход Тожиев, Алишер Азизов, Санъат Шихов.

МУХЛИСЛАРИМИЗНИ ХУРСАНД ҚИЛАМИЗ

—«Курувчи» жамоаси мавсумолди машғулотларини 5 январдан бошлади, — дейди жамоанинг матбуот котиби Баҳодир Мирзаев, — 10 январдан 22 январгача Украинада ўқув-йиғин машғулотларини ўтказган Миржалол Қосимов шогирдлари Украинанинг «Таврия», Грузиянинг «Олимпия» жамоалари билан ўртоқлик учрашувларида куч синашгани ҳам муваффақ бўлишди. Шундан сўнг 2-18 февраль кунлари Туркияда машғулот ўтказган «Курувчи» саккизта ўртоқлик учрашувларида майдонга тушди. Шуниси қувонарлики, ушбу баҳслар мобайнида Жанубий Кореянинг «Сеул», Москванинг «Динамо», Руминиянинг «Дунари», Словакиянинг «Гатран Пресс» жамоалари «Курувчи»дан мағлуб бўлишгани эътиборга молик. Жорий йилги чемпионатда фақат аjoyиб ғалабаларни мухлислагарига тўхфа этишни ният қилган «Курувчи» жамоаси сафига маҳоратли чарм тўп усталари, жумладан, Мурод Зухуров, Хайрулло Каримов, Алексей Николаев, Шавкат Раимқулов, Жамол Отақулов, Иброҳим Раҳимов, Темураев Копадзе, Сервер Жепаров, Улуғбек Бақоев, Анвар Ражабов, Анвар Солиевлар қўшилишди. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, клуб раҳбарияти эътиборни кўпроқ мамлакатимиз жамоаларидан хориз клубларига ўтиб кетаётган маҳоратли футболчиларни бир ерга жамлашга, улар хизматидан имкони борича самарали фойдаланишга қаратаётган. Буни ўтган йили жамоамиз сафига қўшилган Лушчан, Бугало, Ашурматов, Карпенко, Шишеловлар мисолида сезиш қийин эмас.

Дарвоқе, жорий йилги мавсумни «Курувчи» аъзолари Абдумажид Тоиров ва Патрик Арго, Владимир Шишеловлар бошқа жамоаларда ўтказишди. Юқориди таъкидлаганимиздек, «Курувчи» жамоаси аъзолари ушбу чемпионатнинг ҳар бир учрашувида фақат ғалаба қозонишни, ўз мухлисларини чиройли ўйинлари билан хушнуд этишни ният қилишган.

Дарвоқе, жорий йилги мавсумни «Курувчи» аъзолари Абдумажид Тоиров ва Патрик Арго, Владимир Шишеловлар бошқа жамоаларда ўтказишди.

«КУРУВЧИ»

Бош мураббий — Миржалол Қосимов. Катта мураббийлар — Хикмат Эргашев, Амет Мемет. Мураббийлар — Александр Вольков, Абдусаттор Раҳимов. Дарвозабонлар — Павел Бугало, Олег Беляков, Мурод Зухуров. Ҳимоячилар — Бахтиёр Ашурматов, Гочули Гочулиев, Хайрулло Каримов, Александр Хвостунов, Алексей Николаев, Шавкат Раимқулов, Темураев Яфаров, Саҳоб Жўраев, Жамол Отақулов.

Ярим ҳимоячилар — Сергей Лушчан, Азиз Ҳайдаров, Темураев Копадзе, Жасур Ҳасанов, Вячеслав Пономарёв, Янис Манзукае, Иброҳим Раҳимов, Эркин Бойдуллаев, Рашид Гофуров, Виктор Карпенко, Сервер Жепаров.

Ҳужумчилар — Анвар Солиев, Анвар Ражабов, Улуғбек Бақоев, Шавкат Саломов, Дмитрий Кузин, Илхом Мўминжонов.

«ЛОКОМОТИВ» — МАВСУМГА ТАЙЁР

— Ўтган йилги мавсумни 14-ўрин билан яқунлаган жамоамиз, — дейди катта мураббий Равшан Муқимов, — жорий йилда имкон қадар мухлисларини хафа қилмасликка аҳд қилган. Шу боисми, ўқув-йиғин машғулотларини 22 декабрдан бошладик. Олий ва биринчи лига жамоалари билан кўпгина ўртоқлик учрашувлари ушатирилди. Жамоамизга бразилиялик Эвертон, «Самарқанд-Динамо»дан Сергей Ни, «Андижон-Уз»дан Павел Матуз ва Дониёр Тожибоевлар келиб қўшилишди. Ўтган йили жамоамиз шарафини ҳимоя қилган Фулом Ҳалимов, Мансур Икромов, Саид Акбаровлар «Металлург»га, Шерзод Назаров, «Қизилқум»га, Алишер Ниёзалиев «Бухоро»га кетди.

«ЛОКОМОТИВ»

Бош мураббий — Сергей Ковшов. Катта мураббий — Равшан Муқимов. Мураббийлар — Виталий Легай, Руслан Аҳмеджанов, Даврон Дасунов, Сергей Андреев. Жамоа бошлиғи — Қобил Юнусов. Клуб директори — Анвар Маҳжамов.

Дарвозабонлар — Павел Матуз, Алишер Аҳмедов. Ҳимоячилар — Рустам Ёралиев, Шавкат Аҳмаджонов, Абзал Азизов, Жамшид Хамроалиев, Обид Жўрабов.

Ярим ҳимоячилар — Сергей Ни, Элнур Ҳажалиев, Эвертон, Дониёр Тожибоев, Анвар Абрамян, Рустам Юнусонов.

Ҳужумчилар — Марсель Идиатуллин, Павел Павлов, Сарвар Ибодуллаев, Суҳроб Бердиев.

Хулоса ўрнида шунини айтиш жоизки, янги мавсумга шахримиз жамоалари пухта хозирлик кўришган. Айниқса, жорий йилда ҳам мамлакат чемпионлиги учун кураш «Пахтакор» ва «Курувчи» жамоалари ўртасида кечадиган кўринади. Сабаби, хоризда ушатирилган ўқув-йиғин машғулотлари, хоризий клублар билан ўтказилган ўртоқлик учрашувлари мураббийлар учун ҳам, футболчилар учун ҳам синов вазифасини ўтаганини табиий. «Локомотив» жамоасига эса қўтилмаган ғалабалари ва аjoyиб ўйинлари билан ўз мухлислари кўнглини шод этишни тилаб қоламиз.

Энди эътиборингизга Ўзбекистон XVII миллий чемпионати 1,2-тур ўйинлари жадвалини ҳавола этамиз.
1-тур. 1 март (шанба). «Пахтакор» — «Курувчи», «Андижон-Уз» — «Металлург», «Қизилқум-Олтин» — «Машъал», «ОТМК» — «Шўртан», «Бухоро» — «Локомотив», «Насаф» — Самарқанд-Динамо», «Сўғдиёна» — «Уз Донг Жу», «Пахтакор» — «Нефчи».
2-тур. 6 март (пайшанба). «Курувчи» — «Нефчи», «УзДонг Жу» — «Пахтакор», «Шўртан» — «Бухоро». 7 март (жума). «Самарқанд-Динамо» — «Сўғдиёна», «Локомотив» — «Насаф», «Машъал» — «ОТМК», «Металлург» — «Қизилқум-Олтин», «Навбахор-Н» — «Андижон-Уз».

Ақбар ЙЎЛДОШЕВ

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент Молия институти «Умумиктисод йўналиши ва мутахассислари бўйича чет тиллари» кафедраси муdiri ва куйидаги кафедралар бўйича бўш (вакант) «Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назариси ва амалиёти» доцент, катта ўқитувчи; «Ўзбекистон тарихи» доцент, ассистент; «Умумиктисодий назария ва иктисодий педагогика» доцент, катта ўқитувчи; «Фалсафа» профессор, катта ўқитувчи; «Банк иши» катта ўқитувчи, ассистент; «Молия» катта ўқитувчи, ассистент; «Бухгалтерия ҳисоби» катта ўқитувчи, ассистент; «Умумиктисод йўналиши ва мутахассислари бўйича чет тиллари» ассистент; «Банкларда бухгалтерия ҳисоби ва аудит» катта ўқитувчи, ассистент; «Молиявий менежмент» доцент, катта ўқитувчи; «Лойиҳаларни молиялаштириш» катта ўқитувчи; «Ҳазначилик иши» катта ўқитувчи, ассистент; «Статистика» доцент, катта ўқитувчи; «Солиқлар ва солиққа тортиш» катта ўқитувчи; «Менежмент» доцент; «Бизнес ва иктисодиёт» катта ўқитувчи; «Чет тиллари» катта ўқитувчи; «Информацион технологиялар» катта ўқитувчи; «Математика» доцент, катта ўқитувчи; «Ўзбек ва рус тиллари» катта ўқитувчи; «Жисмоний тарбия» катта ўқитувчи лавозимларига

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Танловда фан номзодлари ва докторлари, профессорлар, доцентлар ва тажрибали ўқитувчилар иштирок этишлари мумкин.
Танлов муддати—эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.
Танловда қатнашишни хоҳловчилар Тошкент шаҳри, Кичик Ҳалқа йўли кўчаси, 7-уй, ТМИ ходимлари бўлимига мурожаат қилишлари мумкин.
Тел. 234-66-58

Ректорат

Тошкент шаҳридаги Й.Охунбоев номидаги тиббиёт техникуми томонидан 1990 йил 10 июлда Носирова Мухадам Акбаровна номига берилган 1640 рўйхат рақамли 977036 сонли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек туман ҳокимлиги томонидан «Dividend plus» маъсулияти чекланган жамиятига улгуржи савдо фаолиятини амалга ошириш учун 2006 йил 31 мартда берилган реестр бўйича тартиб рақами 201 бўлган, УС № 001901 рақамли лицензия йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

Эълонлар шанба ва яқшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (3712) 233-21-56. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 208-хона.

ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

Сиз ҳуқуқ-тартибот ва қонунчилик бузилишига оид ҳар қандай масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва бошқармаларининг навбатчилик қисмларига қуйидаги «Ишонч телефонлари» орқали мурожаат қилишингиз мумкин. Мурожаат этган шахснинг исми, шарифининг сир сақланиши кафолатланади.

«Ишонч телефонлари» рақамлари:

- Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги (8-371) 233-22-33, (8-371) 233-39-39
- Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги (8-361) 222-56-76
- Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси (8-371) 232-03-30
- Андижон вилояти Ички ишлар бошқармаси (8-374) 224-87-50
- Бухоро вилояти Ички ишлар бошқармаси (8-365) 224-64-86
- Жиззах вилояти Ички ишлар бошқармаси (8-372) 226-03-02
- Навоий вилояти Ички ишлар бошқармаси (8-436) 223-06-71
- Наманган вилояти Ички ишлар бошқармаси (8-369) 226-60-55
- Самарқанд вилояти Ички ишлар бошқармаси (8-366) 233-00-00
- Сирдарё вилояти Ички ишлар бошқармаси (8-367) 225-33-30
- Сурхондарё вилояти Ички ишлар бошқармаси (8-376) 227-25-51
- Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармаси (8-371) 264-18-32
- Фарғона вилояти Ички ишлар бошқармаси (8-373) 224-29-08
- Хоразм вилояти Ички ишлар бошқармаси (8-362) 226-37-10
- Қашқадарё вилояти Ички ишлар бошқармаси (8-375) 221-82-45
- Транспорт Ички ишлар бошқармаси (8-371) 252-61-39

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
Буюртма Г- 106

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ
Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 233-29-70; эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (3712) 233-21-56.
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатта олинган.
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 4061 нусхада босилади. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почтамати»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилди ва сақланади.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.
1 3 4 5 6
Топширилган вақти: 12:45